



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2022

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербургда Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Сайнова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети


**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети


<b>1. Ольга Кобзева, Нодирабегим Ваисова</b> ЎРТА АСРЛАРДА ХИТОЙДА СУҒД МАДАНИЯТИ.....	4
<b>2. Фуркат Бозоров</b> БУГУНГИ КУН ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИНИНГ ТАСВИРИЙ ЕЧИМИ.....	12
<b>3. Муслима Базарова</b> ПАРАЛИМПИАЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	16
<b>4. Бахтиёр Болтабаев</b> XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИДАГИ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР.....	23
<b>5. Гулчехра Султанова</b> СУРАТГА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ: ХИВАЛИК УСТАЛАР.....	27
<b>6. Холмамат Раупов</b> МУРУНТОВ – ЖАҲОННИНГ НОЁБ ЖАВОҲИРИ.....	33
<b>7. Саламат Сулайманов</b> XX АСР БОШИДА АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИ ТАРИХИДАН.....	39
<b>8. Ислом Қаршиев</b> XVII-XVIII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ҒОЯЛАРНИНГ ГУМАНИСТИК МОҲИЯТИ (СЎФИ ОЛЛОЁР, ҲУВАЙДО АСАРЛАРИ АСОСИДА).....	46
<b>9. Манзура Хасанова</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРИХИЙ РЕТРОСПЕКТИВАДА.....	53
<b>10. Бахромжон Хайназаров</b> ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ ТАРИХИДАН.....	60
<b>11. Нодира Раджабова</b> “МАВРИГИ”ЛАР БУХОРО ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ НОДИР НАМУНАСИ СИФАТИДА.....	65
<b>12. Юлдуз Холхужаева</b> САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ РУС МАНБАЛАРИДА (XIX АСР II-ЯРМИ).....	73



Юлдуз Уралбоевна Холхужаева,  
СамДУ Каттакўрғон  
филиали Кенгаш котиби  
Holxujayeva91@mail.ru

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ РУС МАНБАЛАРИДА (XIX АСР II-ЯРМИ)

**For citation:** Yulduz U.Kholkhujaeva, NATIONAL COMPOSITION OF THE POPULATION OF SAMARKAND REGION IN RUSSIAN SOURCES (SECOND HALF OF THE XIX CENTURY). Look to the past. 2022, vol. 5, issue 12, pp.73-80

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7482953>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада Самарқанд вилояти аҳолисининг этник таркиби тўғрисида архив манбалари ва адабиётларида келтирилган маълумотлар таҳлил этилган. Шунга кўра, Самарқанд аҳолиси миллий ва этник таркибининг турличалиги, уруғ-қабила муносабатлари, яшаш тарзининг хусусиятлари рус муаллифлари талқинида ёритиб берилган. Мақолада Самарқанд вилояти аҳолисининг асосан деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик, шаҳарларда эса хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланганлар. Вилоятда хорижий фуқаролар ҳам мавжуд бўлиб, кўпчилиги тижоратчилик билан машғул бўлганлар.

**Калит сўзлар:** Самарқанд вилояти, аҳоли этник таркиби, архив манбалар, рус адабиётлари, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли, таҳлил.

---

Юлдуз Уралбоевна Холхужаева,  
Секретарь совета Каттакурганского  
филиала СамГУ  
Holxujayeva91@mail.ru

### НАЦИОНАЛЬНЫЙ СОСТАВ НАСЕЛЕНИЯ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ ПО РУССКИМ ИСТОЧНИКАМ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX ВЕКА)

#### АННОТАЦИЯ

В данной научной статье анализируется информация, представленная в архивных источниках и литературе об этническом составе населения Самаркандской области. Соответственно, в интерпретации российских авторов освещаются особенности национального и этнического состава населения Самарканда, межплеменные отношения, образ жизни. В статье жители Самаркандской области в основном занимались земледелием, садоводством, виноградарством, а в городах-ремеслами и торговлей. В регионе также есть иностранные граждане, многие из которых занимаются коммерцией.

**Ключевые слова:** Самаркандская область, национальный состав населения, архивные источники, русская литература, оседлое и кочевое население, анализ.

**Yulduz U. Kholkhujeva**

SamDU Kattakurgan branch Council Secretary.

Xolxujayeva91@mail.ru

## NATIONAL COMPOSITION OF THE POPULATION OF SAMARKAND REGION IN RUSSIAN SOURCES (SECOND HALF OF THE XIX CENTURY)

### ABSTRACT

This scientific article analyzes the information presented in archival sources and literature about the ethnic composition of the population of the Samarkand region. Accordingly, the peculiarities of the national and ethnic composition of the Samarkand population, seed-tribal relations, the way of living are highlighted in the interpretation of Russian authors. In the article, residents of the Samarkand region were mainly engaged in farming, gardening, viticulture, and in cities-in crafts and trade. There are also foreign citizens in the region, many of whom are engaged in commerce.

**Index Terms:** Samarkand region, ethnic composition of the population, archival sources, Russian literature, settled and nomadic population, analysis.

### 1. Кириш:

Ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида юзлаб этнослар ва этник бирликларни бағрига сиғдирган Ўзбекистон тарихини ҳам аҳолининг этник таркиби ва сони каби асосий аспектларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, маълум бир ҳудуд аҳолисининг миллий таркиби ва сони тўғрисида чоп этилган ёзма манбалар, архив материаллари, илмий тадқиқотлар ва тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларнинг тарихий-манбавий таҳлили тарих фанининг бош масалаларидан бири ҳисобланади. Маълумки, турли тарихшунослик ишларида Марказий Осиё аҳолисининг миллий ва этник таркиби бўйича қизиқарли ва шу билан биргаликда инкор этиладиган фикр-мулоҳазалар ҳам акс этган. Бу ўз навбатида, бугунда турли мунозараларни келтириб чиқарган. Хусусан, масаланинг бир қисми рус тарихшунослиги билан ҳам боғланади. Ушбу мақолада рус архив ҳужжатлари ва муаллифлари томонидан Самарқанд вилояти аҳолиси тўғрисидаги маълумотлар таҳлилини ҳавола этиш мақсад қилинди. Адабиётларга кўра, XIX аср II-ярмида Туркистоннинг бутун аҳолиси туб жой аҳоли ва европаликларга ажратилади. Туб ерли аҳолини ўз навбатида кўчманчи, ярим кўчманчи ва ўтроқ халқларга бўлинган. Архив ҳужжатларига кўра, рус ҳукумати ўтроқ тожиклар ва ўзбеклар аралашмасидан иборат бўлган миллий таркибни “сарт” номи билан тилга олади. Кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли таркибига эса, асосан туркманлар, қозоқлар, қорақалпоқлар иборат миллий гуруҳлар киритилади[1].

Самарқанд аҳолисининг этник таркиби ва сони тўғрисида бирламчи ёзма манбаларда, шунингдек, махсус тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларни тадқиқ ва таҳлил этиш, уларни умумлаштириш аҳолининг сони ва этник таркиби хусусиятларини аниқлаш вазифалари қўйилган. Бу вазифаларни бажариш натижасида Самарқанд тарихига оид бирламчи манбалар ва махсус тарихий адабиётлар устида кичик тарихий-манбавий таҳлилни амалга ошириш кўзда тутилган. Мақолада моҳиятан муаммо бўйича тарихшунослик таҳлили амалга оширилгани боис мавзунинг тарихшунослиги бўйича алоҳида тўхталинмади.

### 2. Методлар:

Самарқанд вилояти аҳолисининг этник таркиби ва сони тўғрисида ёзма манбалар ва тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил этишда тарих фанининг замонавий концептуал-методологик ёндошувлари ҳисобланган мавзуга доир ёзма манбалар ва тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларнинг қиёсий таҳлили, мантиқий синфлаштириш ва таркибий таҳлил услубларидан фойдаланилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Самарқанд вилояти аҳолиси тўғрисидаги дастлабки расмий маълумотлар 1869 йилда олинган бўлиб, шу йили Туркистон Ҳарбий-топографик бўлимига тақдим этилган ахборотда Зарафшон округи аҳолисининг сони 315,533 кишидан иборат эканлиги кўрсатилган. Афсуски, ҳужжатда вилоят аҳолисининг этник таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилмаган.

Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамасида хизмат қилган А.П.Хорошхин томонидан музофот аҳолисининг этник таркиби тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтирилади. Масалан, Самарқанд бўлимининг Суғд туманида ўзбек уруғлари (қипчоқ, сарой, қанғли, найман, қирқ, юз, хитой, туркман, буркут, манғит, уйшун, туёқли ва бошқа), шунингдек, араблар, тожиклар, эронилар, қорақалпоқлар, лўлилар каби миллий гуруҳлар тилга олинади. Хорошхин, “лўлилар бу ерда “мазанг” ёки “жўғи” номлари билан юритилиб бутун Суғд тумани бўйлаб сочилиб кетган” деб қайд этади[2]. Муаллиф шунингдек, Самарқанд шаҳар аҳолиси ўзбеклар, тожиклар, эронийлар, яҳудийлар ва бошқа этник гуруҳлардан иборат бўлганлигини таъкидлайди[3].

Шу даврда ҳиндлар Самарқандда бир неча юз кишидан иборат бўлиб, уларнинг барчаси деярли карвонсаройларда яшаганлар. Афғонлар Самарқандда тижорий меҳмонлар бўлиб, улар бу ерга турли маҳсулотларни олиб келишган. Айрим афғонлар Самарқандда доимий яшаган. Рус муаллифлари уларни 1868 йилги юришларда иштирок этган халқ лашкарининг қолдиқлари эканлигини таъкидлашади[4].

А.П.Хорошхиннинг қайдларида, Самарқанд шаҳар аҳолиси сони 20 минг кишидан иборат кўрсатилган. Бу тахминий рақамлар сифатида қайд этилиб, шаҳар аҳолисининг аниқ сони тўғрисида ҳозирча ҳеч ким аниқ маълумотларга эга эмаслиги, оқсоқолларнинг ўз маҳаллаларида яшовчилар сонини камайтириб ёки кўпайтириб кўрсатишлари эса рус маъмурияти учун барибир эканлигини таъкидланади[5]. Бу маълумотлар, маълум даражада Зарафшон округида статистик фаолиятнинг йўлга қўйилмаганлиги ва маъмуриятнинг оқсоқоллар томонидан тақдим этилган маълумотлардан бошқасига эга бўлмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

1877 йилдан Самарқанд бўлимини бошқарган Г.А.Арендаренконинг қайдларида эса, фақат Ургут шаҳри аҳолисининг этник таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлиб, уларга кўра, шаҳар аҳолисининг асосий қисмини тожиклар ташкил этган. Бу ерда, шунингдек, кам сондаги ҳиндлар ва яҳудийлар ҳам истиқомат қилишган[6].

Арендаренко 1877-1878 йиллар қишида амалга оширилган санок натижаларига асосланиб, вилоят аҳолисининг умумий сони 463,722 кишидан иборат бўлганлигини, Самарқанд шаҳрида эса 26,160 киши истиқомат қилганлиги таъкидлайди[7]. Бироқ у томонидан вилоят аҳолиси, айниқса, Тоғли туманлар бошқарувидаги ҳовлилар ва аҳоли сони тўғрисида келтирилган фактларни тўла ишончли, деб бўлмайди. Чунки, кейинроқ олинган расмий маълумотлар билан солиштирадиган бўлсак, Тоғли туманлар аҳолиси сони (129,672 киши) деярли икки марта кўпроқ кўрсатилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Туркистон ўлкасининг биринчи бошлиғи К.П. фон Кауфман томонидан тайёрланган “Ожизона ҳисобот лойиҳаси”да Самарқанд вилоят аҳолисининг этник таркиби ва сони тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлиб, уларга кўра, вилоят аҳолиси ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, араблар, яҳудийлар, руслар ва лўлилардан иборат бўлган[8].

Ҳисоботда вилоят аҳолисининг умумий сони 1881 йилда 330,000 кишини ташкил этганлиги кўрсатилган[9]. Бироқ, бу мавжуд маълумотларнинг қиёсий таҳлили ва 1868-1881 йилларда вилоят аҳолисининг ўсиш динамикаси жиҳатидан тўғри эмас. Рус маъмурияти Зарафшон музофоти ва Самарқанд шаҳри бўйича аҳоли сони тўғрисида аниқ ва тўғри маълумотларга эга бўлмаганлини Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамасининг қуйидаги ҳужжатлари билан ҳам асослаш мумкин. Жумладан, 1878 йил 18 январда вилоят бошлиғи томонидан ўлка бошлиғига тақдим этилган ахборотда[10] ва 1883 йил 3 майда Самарқанд вилоят бошлиғи маҳкамаси томонидан махфий маслаҳатчи Ф.К.Гирс учун тайёрланган маълумотномада[11] маҳаллий маъмурият томонидан амалга оширилган санок бўйича келтирилган маълумотларнинг тўғри эмаслиги алоҳида қайд этилади.

Рус маъмурияти берган маълумотларнинг бир жиҳати шундаки, Самарқанд вилоятида аҳолининг катта гуруҳини ўзбеклар ташкил этган ҳолда, Фарғона вилоятида ҳам худди шу маданий жиҳатларга эга бўлган аҳоли “сарт” деб юритилади[12].

Рус тадқиқотчилари ўлканинг ўтроқ халқларига аҳолининг қадимий туркий қисм авлодлари бўлган туркий қабилалар: лақайлар, туркманлар, қарлуқлар, уйғурлар ва бошқаларни киритганлар. Туркийларнинг асосий яшаш жойлари Бухоро амирлигининг шарқий қисмлари, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари бўлган. Шунингдек, бу қабилалар тожик, мўғул ва бошқа тиллардан айрим унсуларни ўзларига сингдирганлигини қайд этадилар. Туркманлар IX-асрда Сирдарё бўйларида яшаган ва у ердан дастлаб Хуросон, кейинроқ Кичик Осиёга кўчиб ўтган қадимги ўғузларга мансуб қабила сифатида, хусусан, Нурота туркманлари ғарбга кўчиб кетган ўғузларнинг асосий окимидан ажралиб чиққанлиги айтилади. Ўзбек ва тожикларнинг асосий фарқи эса, уларнинг этник келиб чиқишида, ўзбеклар туркий тилли халқларга, тожиклар эроний тилли халқларга мансуб элатлар сифатида талқин этилади.

Эроний тилли гуруҳга тожиклардан ташқари, Самарқанд вилояти ва Бухоро амирлиги ерларида яшайдиган эронилар ва марвликлар, шунингдек, Фарғона водийси, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари, Бухоро амирлигидаги лўлилар кирган. Қадимдан Ўрта Осиёда яшаб келган арабларнинг қишлоқлари асосан, ўрта Зарафшон ва Қашқадарё бўйлаб жойлашган. Бу ерда Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Марғилон, Тошкент худудларида ўрнашган маҳаллий яхудийлар ҳам истикомат қилишган. Улар тожик тилининг алоҳида шеvasида сўзлашганлар, ўзбек тилини ҳам билганлар ва яхудийлик динига эътиқод қилишган[13].

Маълумотларга кўра, Самарқанд бўлимининг баъзи жойларида кўчманчи қозоқлар ўрнашган манзиллар бўлган. Улар бу ерда ярим кўчманчи ўзбеклар билан аралашиб, улардан жуда кўп нарсаларни ўзлаштирганлар, тиллари ҳам майинлашган. Муаллифлар фикрича, бу ердаги халқларни бир биридан фарқлаш ва уларни туркумлаш учун жудаям зийрак ҳамда тилшунос бўлиб талаб этилган. Масалан, шаҳар ва шаҳар атрофидаги ўзбеклар тожик тилида жуда ҳам яхши сўзлашган. Шаҳарлик ёки тоққа яқин қишлоқлардан келган тожиклар эса ўзбек тилида бекаму-кўст мулоқат қилганлар[14].

Рус тадқиқотчилари шунингдек, тожиклар тўғрисида қизиқарли фактларни беришади. Туркистоннинг қадимий туб аҳолиси бўлган тожиклар, асосан Самарқанд ва Фарғона вилоятларида, қисман Сирдарё вилоятида истикомат қиладилар. Уларнинг сўзлашув тили форс тилининг шарқий диалектларидан бири ҳисобланади. Тожикларнинг табиати, уларнинг тили каби, юмшоқ ва мумтоз, гўзал ва бой. Тожиклар асосан деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик, шаҳарларда эса ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланадилар. Тахминий статистик маълумотларга кўра, тожиклар Фарғона вилоятида 450 минг, Самарқанд вилоятида 750 минг ва бошқа жойларда 100 минг, умумий ҳисобда 1 млн. 300 минг кишини ташкил этадилар[15].

Тожиклар (бу ном остида форсий тилда сўзлашувчи барча аҳоли назарда тутилган) асосан Хўжанд, Ўратепа, Жиззах ва Самарқанд шаҳарларида истикомат қилган. Шу билан биргаликда, шаҳар ташқарисида эронийларнинг бир нечта қишлоқлари жойлашганлиги ва улар асосан ипак мато ишлаб чиқариш билан шуғулланганлиги қайд этилади[16].

Ўзбекларнинг турмуш тарзи ҳақида гапирилганда, уларнинг катта қисми ўтроқ бўлганлиги, шунингдек улар орасида ярим кўчманчи ва кўчманчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Ўтроқ ўзбекларнинг катта қисми Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг шаҳар ва қишлоқларида истикомат қиладилар ва улар баъзан “сарт” номи остига киритилган.

А.Семёновнинг фикрича, Россия босқини арафасида давлат бошқарувидаги нуфузли лавозимларни эгаллаган табақалар асосан, туркий уруғ еткчиларидан иборат бўлган. Хусусан, давлат лавозимидаги етакчи ўринларни ўзбеклар эгаллаган ва амирликдаги амалдорларнинг асосий қисми зиёлилар орасидан шаклланган, деб қайд этади[17].

Ўтроқ ва ярим ўтроқ ўзбеклар тижорат, косибчиликдан ташқари, деҳқончилик ва боғдорчилик билан, кўчманчи ўзбеклар эса чорвачилик билан шуғулланганлиги, ўзбеклар

деҳқончилик ва суғориш ишларида катта амалий-тажрибавий билимга эга бўлиб, дала ва суғориш ишлари учун энг яхши ишчиларни етказиб беришгани таъкидланади.

Қорақалпоқлар тўғрисида гап кетганда, улар Ўрта Зарафшон водийсида кўпчиликни ташкил этмаслиги, асосан Самарқанддан шарқда хитой-кипчоқлар ва қирқ-юзлар орасида, Оқтепа ва Бешқарик атрофидаги турли қишлоқларда истиқомат қилишгани маълум қилинади. Улар бу ерларга қадим замонларда Амударё бўйларидан кўчиб келганлар, уларнинг қуйидаги уруғлари: оймутлар, оққўйлилар, қора сенгирлар ва бошқалар санаб ўтилади.

Амударёдан шарқда кўчманчилик қилувчи туркманларнинг бу ерда учта уруғи: казайўғлилар, канжигалилар ва буюкёжюллилар истиқомат қилганлиги, уйсунлар ҳам асосий уруғлардан эканлиги таъкидланади. Туркманларнинг бу уруғлари асосан Нурота беклиги ҳудудларида истиқомат қилишиб, туркманлар Зарафшон водийсида бу ернинг бошқа аҳолиси каби ўтроқ турмуш тарзи кечирганлар[18].

Ғалчалар асосан тоғларда, етиб бориш қийин бўлган тоғ дараларида ва Зарафшоннинг юқори оқимидаги водийларда истиқомат қилувчи, уларнинг тили тожик тилининг замонавий лаҳжаларидан бири эканлиги қайд этилади. Ғалчалар ва Туркистоннинг тоғли ҳудудларида истиқомат қилаётган бошқа майда қабилаларнинг умумий сони тахминан 30 минг кишидан ошмаганлиги айтилади[19].

Бухоро яҳудийлари “мусавийлар” номи билан ҳам машҳур бўлиб, асосан Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё вилоятининг шаҳарларида истиқомат қилишгани, уларнинг катта қисми Бухоро мулкларида тўпланган, деб ҳисобланган. Бухоро яҳудийларининг асосан шаҳар гуруҳи тижорати ва хунармандчилик ишлаб чиқариши билан шуғулланиши ҳамда статистик маълумотларга кўра, бухоро яҳудийларининг умумий сони 40 минг кишига етган[20].

Рус манбаларида, Туркистоннинг қолган аҳолиси: руслар тахминан 600 минг, арманлар 100 минг, татарлар 100 минг, европалик яҳудийлар 100 минг ва форс-афғонлар 30 минг кишини ташкил этганлиги ёзилади. Мустамлакачилик сиёсатининг кучайтирилиши натижасида, капиталистик муносабатларнинг қарор топиши каби омиллар вилоятда бир қанча инглиз, немис, француз ва белгиялик каби хорижликларни пайдо бўлганлигини кўриш мумкин[21].

Замонавий тадқиқотга кўра, 1888 йилда Самарқанд вилоятида аҳоли этник таркибининг турлилиги бўйича 6 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилган бўлса, 1897 йилга келиб, 17 дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилган. Империянинг миллий ҳудудларидаги вакиллар – татарлар, бошқирлар, арманлар, грузинлар, литвалик ва латишлар, поляклар, молдаванлар, французлар, италянлар, немислар ҳамда шарқ мамлакатлари вакиллари билан бойиган[22].

#### **4.Хулосалар:**

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Самарқанд вилояти ва унинг маркази Самарқанд шаҳрида истиқомат қилиб келган аҳолининг этник таркиби ва сони тўғрисида бирламчи тарихий манбалар ва махсус адабиётларда келтирилган маълумотларни диққатлидир.

-Ушбу ҳудудда турли миллат ва элат вакиллари яшаб, турли касб ва машғулотларни олиб боришган. Зарафшон музофоти таъсис этилгунига қадар -Самарқанд шаҳрида бўлган муаллифлар томонидан Бухоро амирлиги аҳолисининг этник таркиби ва Самарқанд шаҳри аҳолисининг сони тўғрисида келтирилган маълумотлар оғзаки сўров натижаларига асосланган. --Тахминий хусусиятга эга бўлишига қарамаддан, 1869 йилдан бошлаб статистик маълумотларнинг тўпланиши вилоят аҳолисининг этник таркиби ва сони тўғрисида янги фактларни қўлга киритиш имкониятини берди.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. ЎЗР МДА, 27-жамғарма, 1-рўйхат, 764-иш, 288-варақ умумий (UzRNSA, FundR 27, list 288, work 764.).

2. Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С.146 (Khoroshkhin A.P. Collection of articles concerning the Turkestan region. – St. Petersburg, 1876. – P.146)
3. Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С.209-215 (Khoroshkhin A.P. Collection of articles concerning the Turkestan region. – St. Petersburg, 1876. – P.209-215)
4. Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. С.215 (Khoroshkhin A.P. Collection of articles concerning the Turkestan region. – St. Petersburg, 1876. – P.215)
5. Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С.216 (Khoroshkhin A.P. Collection of articles concerning the Turkestan region. – St. Petersburg, 1876. – P.209-216)
6. Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С.209 (Khoroshkhin A.P. Collection of articles concerning the Turkestan region. – St. Petersburg, 1876. – P.209)
7. Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестане (1874–1889 гг.). – СПб., 1889. – С.3 (Arandarenko G.A. Leisure in Turkestan (1874-1889). – St. Petersburg, 1889. – P.3)
8. Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестане (1874–1889 гг.). – СПб., 1889. – С.168-169 (Arandarenko G.A. Leisure in Turkestan (1874-1889). – St. Petersburg, 1889. - pp.168-169)
9. Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. фон-Кауфмана 1-го по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноября 1867 г. 25 марта 1881 г. Издание военно-ученого комитета Главного штаба. – СПб.: Военная типография, 1885. – С.21-29 (Kaufman K.P. Draft of the most comprehensive report of Adjutant General K.P. von Kaufman 1st on civil administration and organization in the regions of the Turkestan General Government. November 7, 1867 March 25, 1881 Edition of the Military Scientific Committee of the General Staff. – St. Petersburg: Military Printing House, 1885. - pp.21-29)
10. Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. фон-Кауфмана 1-го по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноября 1867 г. 25 марта 1881 г. Издание военно-ученого комитета Главного штаба. – СПб.: Военная типография, 1885. – С.13 (Kaufman K.P. Draft of the most comprehensive report of Adjutant General K.P. von Kaufman 1st on civil administration and organization in the regions of the Turkestan General Government. November 7, 1867 March 25, 1881 Edition of the Military Scientific Committee of the General Staff. – St. Petersburg: Military Printing house, 1885. - p.13)
11. ЎзР МДА, 5-жамғарма, 1-рўйхат, 834-иш, 159-варақ (UzRNSA, FundR 5, list 159, work 834)
12. ЎзР МДА, 5-жамғарма, 1-рўйхат, 834-иш, 158-варақ (UzRNSA, FundR 5, list 158, work 834)
13. Общий свод по империи результатов разработки данных Первой всеобщей переписи населения, произведенной 28 января 1897 года. СПб., 1905. Т.2. С. XIV (The general summary of the Empire results of the development of the data of the First general population census, conducted on January 28, 1897. St. Petersburg, 1905. Vol.2. P. XIV)
14. Брежнева С.Н./ Народы Туркестана в составе Российской империи. 19 24 с. (Brezhnev S.N./ The peoples of Turkestan as part of the Russian Empire. 19-24 p)
15. Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – 533 с. (Khoroshkhin A.P. Collection of articles concerning the Turkestan region. – St. Petersburg, 1876. – 533 p.)
16. ЎзР МДА, 27-жамғарма, 1-рўйхат, 764-иш, 289-варақ (UzRNSA, FundR 27, list 289, work 764)
17. В.В.Радлов / Средняя Зерафшанская долина. СПб, 1880 г. 59- варақ (Radlov V.V./ The Middle Zerafshan Valley. St. Petersburg, 1880 59 p)

18. ЎзР МДА, 27-жамғарма, 1-рўйхат, 764-иш, 289-варақ (UzRNSA, FundR 27, list 289, work 764)
19. Радлов В.В./ Средняя Зерафшанская долина. СПб, 1880 г. 63- варақ (Radlov V.V./ The Middle Zerafshan Valley. St. Petersburg, 1880 63-p.)
20. ЎзР МДА, 27-жамғарма, 1-рўйхат, 764-иш, 289-варақ. (UzRNSA, FundR 27, list 289, work 764)
21. ЎзР МДА, 27-жамғарма, 1-рўйхат, 764-иш, 290-варақ умумий. (UzRNSA, FundR 27, list 290, work 764)
22. Нормуродова Г.Б. XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқанд вилояти аҳолисининг ижтимоий стратификацияси . - Тошкент “Yangi nashr”, 2013. –Б.80-81.(Normurodova G.B. Social stratification of the population of the Samarkand region in the late XIX and early XX centuries . - Tashkent "new edition", 2013. –P.80-81)

# ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадqiqот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000